

“Сув-текин эмас” деган бош ғоя асосида амалий семинар ўтказилди



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 12 декабрдаги ПФ-205 сонли Фармони юзасидан тарғибот ишларини олиб бориш бўйича куни кеча Олтинсой туманидаги барча фермер хўжаликларига тушунчалар берилиб, “Сув-текин эмас” деган бош ғоя асосида амалий семинар ўтказилди.

Семинарда туман ҳокими Б Махматраемов, фермер деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ходимлари ва қишлоқ хўжалиги бўлим бошлиқлари иштирок этишди.

Амалий семинар давомида сув ресурсларини ўрганиш, ҳисобга олиш, ундан комплекс фойдаланишни режалаштириш, суғориш системаларини эксплуатация қилиш, ер ости ва ер усти сувларини ифлосланишдан, тугаб қолишдан сақлаш бўйича тажриба алмашилди.

Олтинсой туман ҳокимлиги матбуот хизмати